

Baxriddin SALIMOV,
*Doktor of philosophy (Ph.d), senior teacher "of the
department of social and humanitarian sciences" Tashkent
institute of railway transport enjineers.
100167, Tashkent. Adilkhodjaev Str., 1.
Тел.: +998977447306, 712990236, email:
sariosiyo73@mail.ru
Uzbekistan Tashkent*

ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ЕЧИМЛАРИ

ДУХОВНЫЕ УГРОЗЫ В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ И ИХ ФИЛОСОФСКИЕ РЕШЕНИЯ

SPIRITUAL CHALLENGES IN SOCIAL LIFE AND THEIR PHILOSOPHICAL SOLUTIONS

Калит сўзлар: Ҳаёт, маънавият, маърифат, глобаллашув, жамият, инсон, давлат, ёшлар, ҳодиса, дунё, тараққиёт, китоб, тарбия, миллат, муҳит, қонун, тинчлик, келажак.

Ключевые слова: Жизнь, духовность, просвещение, глобализация, общество, человек, государство, молодежь, событие, мир, образование, нация, окружающая среда, право, мир, будущее.

Key words: Life, spirituality, enlightenment, globalization, society, human, state, youth, event, world, progress, book, education, nation, environment, law, peace, future.

Мавжудотлар ичида энг мукаммали ҳисобланган инсонгагина фикрлаш қобилияти берилган. Ана шу фикрлаш қобилияти туфайли инсонда маънавият, маърифат, маданият, эътиқод, меҳр-муҳаббат каби бир қатор юксак ахлоқий фазилатлар шаклланган ва улар инсоннинг ҳаётига мазмун-моҳият бахш этади. Аллоҳ томонидан иноят этилган тафаккур туфайли тириклик нима? Ҳаётнинг мазмуни қандай? Инсон умрининг мақсад-муддаоси қайда, деган саволлар мана бир неча минг йилларки одамзодни қийнаб келмоқда. Жонзотлар орасида энг юксаги ҳисобланган инсоният вакиллариининг бу каби саволларга жавоблари ҳам турли даврларда ҳар хил мазмунда баён этилган бўлса-да, бу саволларнинг долзарблиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, онгли мавжудот ҳисобланган инсон бу дунёда яшар экан, ўз умридан мазмун-моҳият қидиради, ҳаётида

Мақолада жамиятнинг ўзига хос тизим эканлиги, инсон ҳаёти ва жамият маънавий-маърифий ҳодисаларга боғлиқлигига тўхталиб, у мураккаб жараён сифатида талқин этилган. Бинобарин, сўнгги йилларда маънавий ҳаётимизда рўй бераётган баъзи бир ўзгаришлар, муаммолар кўпларни ташвишга солмоқда. Гарчанд маънавият соҳасида жуда кўп ишлар қилинган ва қилинаётган бўлса-да, улар етарли самара бера олмаяпти. Муаллиф фикрича бунга жавоб маънавият ва маърифат соҳаларига эътиборни янада кучайтиришга бориб тақалади. Зеро, маънавият ва маърифат ҳар қандай давлат тараққиётида жуда муҳим ўрин тутди. Халқининг маънавияти ва маърифати етук бўлган мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳам шунга яраша юксак бўлади. Мақола сўнггида муаллиф томонидан маънавият ҳақида қуйидаги бир қатор муҳим хулосалар чиқарилган: маънавият нафақат инсонга тегишли ҳодиса, балки у бутун жамиятга тааллуқли бўлган ижтимоий ҳодиса ҳамдир; маънавият – бу ҳар бир инсонга хос бўлган хусусият бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ички руҳий кечинмаларидир; маънавият – бу ҳар бир инсоннинг ички ҳис-туйғуси бойлигидир; маънавият – бу ўзимизга берилган ҳаёт деб аталмиш неъматнинг қадрига етишимиз, уни сермазмун ўтказмоғимиз лозим демакдир.

В статье подчеркивается, что общество является отличительной системой, и что человеческая жизнь и общество связаны с событиями духовного просвещения и интерпретируются как сложные процессы. Следовательно, некоторые из изменений, которые произошли в нашей духовной жизни в последние годы, заставили многих обеспокоиться этим. Хотя много работы было сделано в области духовности, эффект был не самым заметным. С точки зрения автора, ответ заключается в акценте на духовности и просветлении.

Действительно, духовность и просвещение играют очень важную роль в развитии любого государства. Социально-экономическое состояние страны, где возрастает духовность и просвещение народа, также высок. В конце статьи автор сделал ряд важных выводов о духовности: духовность – это не просто событие человека, это также социальный феномен, связанный со всем обществом; духовность является характеристикой каждого человека, которая является богатством внутренних чувств каждого человека; духовность означает, что мы должны ценить жизнь, которая нам дана, и делать ее насыщенной и занятой.

In the article, the author emphasizes that society is a unique system, and human life and society are linked to spiritual and educational phenomena and interpreted as a complex process. Certainly, many people worry about some recent changes and problems in our spiritual life. Although much work has been done in the field of spirituality, they are still ineffective. According to the author, the answer lies in a greater focus on spirituality and enlightenment. Indeed, spirituality and enlightenment play a very important role in the development of any state. The social and economic status of a country is relatively high where its people are mature and educated. At the end of the article, the author has written a number of important conclusions about spirituality: spirituality is not just a man's event, it is also a social phenomenon related to the whole society; Spirituality is a characteristic of each human beings, which is the internal spiritual experience of each person; Spirituality is the richness of each person's inward feelings; spirituality means that we should appreciate the so-called life that is given to us and keep it busy.

юзага келадиган чигал вазиятлардан боши қотади ва уларнинг ечимини топишга уринади. Гоҳида ўз саволларига жавоб топса, гоҳида жавоб тополмай қийналади. Ўзи аслида бу мазмундаги саволларга юз фоизли жавоб топиш мушкул иш. Зотан турли даврларда мавжуд бўлган жамиятлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ҳолатлар ҳар хил бўлгани каби шу кунгача яшаб ўтган ва айни пайтда ҳам умргузаронлик қилиб келаётган инсонларнинг ҳаёт йўллари ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмаган ва бўлмайдиган ҳам. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, демек ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг ҳаёт борасидаги қарашлари ва бу борада туғиладиган саволларга жавоблари ҳам турлича бўлиши табиий ҳол. Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, баъзи жамиятлардаги вазиятлар ва баъзи инсонларнинг ҳаёт тарзлари қисман бир-бирига ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Шунда уларнинг

ҳаёт борасидаги хулосалари ҳам ўзаро мос келиб қолади. Ана шунда ўзгаларнинг умр йўлларига қараб ибрат олиш, улар йўл қўйган хато ва камчиликлардан сақланиш имкониятлари пайдо бўлади. Шу боис ҳам “Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда” [2].

Фалсафа илмининг энг ҳаётбахш қисми ҳисобланмиш диалектика дунёни доимий ривожланишда ва ўзгаришда деб тушунтиришини яхши биламиз. Бунинг маъноси шундаки, хоҳ табиатдаги, хоҳ жамиятдаги ҳеч бир нарса ва ҳодиса ўзгаришсиз абадий мавжуд бўла олмайди. Ҳамма нарса ва ҳоди-

салар муттасил ўзгаришда бўлиб, ундаги жараёнлар доимий равишда янгилашиб туришга маҳкум этилгандир. Кишилиқнинг тарихий ривожига ҳеч вақт ҳамма соҳаларда ҳам бир текисда ижобий томонга қараб юксалавермайди, балки унда чекинишлар, бурилишлар юз бериб туради. Бу жараён инсон маънавий фаолиятининг асоси ҳисобланган илмий билишга ҳам тегишли. Билиш инсон назарий ва амалий фаолиятининг ҳамда онги ва тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Инсон фаолияти эса зиддиятларга жуда бой. Булар қаторига инсон маънавий ҳаётидаги зиддиятлар ҳам киради. Зиддиятлар нафақат яқка олинган инсон фаолиятида, балки инсоният яшайдиган табиий ва ижтимоий муҳитда ҳам белгиланган аҳамиятга эга. Инсонларнинг билмасликдан билишликка ва оддийликдан мураккабликка томон бориши зиддиятлар орқали ҳам амалга ошади. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон зиддиятларни билиши билан дунёни билиб боради. Дунёни тўлиқ билиб бўлмаганидек зиддиятларни ҳам тўлиқ билиб бўлмайди. Демак, зиддиятларни билиш ҳам нисбий.

Билиш жараёнида сезгилар муҳим ўрин тутди. Бу инсон маънавий ҳаётидаги тасодифларга ҳам тааллуқлидир. Инсон ўз сезгилари ёрдамида маънавий ҳаётидаги тасодифларни билиб боради. Бироқ, бу нисбатан енгил, осон ва оддий тасодифий воқеалардир. Масалан, осмонда булутни кўрган инсон шу кунга ёмғир ёғиши ёки ёғмаслиги ҳақида ўйлаб бошлайди. Бунда ёмғир ёғиши ёки ёғмаслиги ўша инсон учун тасодиф бўлиши ҳам, аксинча, тасодиф бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин, сезгилар ёрдамида тасодифни доимо билиб бўлмайди. Қачонки сезгиларга ақл ва тафаккур ёрдамга келсагина тасодифларни билиш имкониятлари янада кўпроқ очилади. Бу жиҳат, айниқса, маънавий ҳаётнинг ўта мураккаб ва зиддиятли томонларини англашда жуда қўл келади. Негаки, ўта нозик туйғулар билан боғлиқ бўлган маънавиятни тушуниш ва шунинг баробарида жамият маънавий ҳаётининг келгусида қайси йўлдан ривожланишини билиш ёки илмий жиҳатдан башорат қилиш осон иш эмас. Бунинг боиси шундаки, барча билиш жараёнлари сингари маънавий масалаларни билиш чексиз. Маънавиятни билиш мураккаб, зиддиятли ва муаммоли масала. Чунки бу оламдаги воқеа ва ҳодисалар турли хил йўналишда ривожланиши мумкин. Воқеа-ҳодисаларнинг қайси йўлдан ривожланишини аксарият ҳолатларда тахмин қилиш мумкин, холос. Чунки

маънавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ва рўй бериши мумкин бўлмаган ҳодисалар жуда кўп. Умуман олганда, бизни ўраб турган дунёдаги нарса ва ҳодисалар турли-туман ва ранг-баранг. Уларнинг ҳаммасини бир вақтнинг ўзида аниқлаш, тушунтириш ва билишнинг иложи йўқ.

Маънавиятнинг назария ва амалиёт билан боғлиқлик томонлари кўп. Маънавият назарияни исботлаши ёки исботламаслиги ҳам мумкин. Маънавиятнинг исботланиши ёки исботланмаслиги эса амалиётга боғлиқ. Содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни амалиётга, содир бўлмаганларини назарияга қиёслаш мумкин. Бу ўринда билишнинг тасодифий шакли сифатида кўпроқ назарияга эътибор қаратилиши кераклиги кўринади. Чунки амалиётда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ўзгартириб бўлмайди. Унга қараб келгусида ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида тегишли хулосалар чиқариш мумкин, холос. Содир бўлмаган маънавий ҳаётдаги вазият эса бошқача – бу вазиятларни назарий жиҳатдан қисман билиш ва аввалдан айтиб бериш имкониятлари мавжуд.

Рус олими В.П.Бранскийнинг ёзишича, «олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш)ни олдиндан айтиб беришга айлантириш имконияти ҳам мавжуд. Физиклар тили билан айтганда эксперимент, яъни илмий тажриба асосида олдиндан айтиб беришни тасдиқлашнинг ҳам имкони бор. Агарда назария ва амалиёт бир-бирига мос келса, унда олдиндан айтиб прогноз бериш тасдиқланди дея ҳисоблаш мумкин. Бунда ҳеч ким ушбу ҳолатни тасодифий мос келиш деб исботлай олмайди. Бу ижтимоий экспериментни ташкил этади ҳамда бутун дунё тарихи ўзидан ана шундай экспериментлар занжирини мужассам этади» [8; 112-129 б.]. Назариянинг амалиётга тўғри келиши нафақат айтиб беришни, балки кишилиқ жамиятининг янада гуллаб яшнаши учун кенг имкониятлар эшигини очди. Албатта, бунда назария ҳам амалиёт ҳам ижобий характер касб этиши керак. Лекин шу нарсани ҳам унутмаслик лозимки, назария ва амалиёт ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Уларнинг бир-бирига мос келиши, аввало, ўша назариянинг қай даражада ишлаб чиқишига боғлиқ бўлади. Бироқ, шу нарсани ҳам ёдда тутишимиз керакки, кишилиқ ҳаётининг тўлиқ олдиндан айтиб берилиши одамларни зериктириб қўяди. Чунки уларнинг турмуш тарзлари қолипга солингандек бир хилда кечади. «Агарда оламдаги барча воқеа-ҳодисалар тўлиқ ол

диндан айтиб берилганда ҳеч қандай ноаниқликлар юзага келмасди. Натижада одамларнинг ҳаракатида ҳеч қандай таваккалнинг мумкин бўлишига ҳожат қолмайди. Бундай дунё қатъий алоқадорликда ёки бир хил маънода аниқланган бўлади. Унда ҳеч қандай янгиликнинг вужудга келиши мумкин эмас. Ҳамма нарса бир хил тарзда абадий такрорланишга маҳкумдир» [13;68-78 б.].

Замонавий фалсафий таълимот ҳисобланган синергетика кишиларга ўзлари яшайдиган жамиятнинг келгусида қандай бўлишини олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш)га ҳаракат қилиш имкониятини ўргатади. Бу эса жамият маънавий ҳаётидаги келгусида кутилаётган ўзгаришларни билиш демакдир. Жамият маънавий ҳаётидаги келгусида бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан айтиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки амалга ошаётган жараёнлар айрим ҳолатларда кутилмаган тасодифлар таъсирида барбод бўлиши ҳам мумкин. Биз бекорга “олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилиш” деган иборани ишлатмадик. Негаки, бу иборани олдиндан айтиб беришдан фарқи бор ва у жуда аҳамиятли. Чунки олдиндан айтиб бериш бу эртага нима бўлишини аниқ ва равшан билиш демакдир. Бунинг амалга ошиши даргумон ва ҳақиқатдан йироқ нарса. Фан тили билан айтганда, «ижтимоий бўлиниш (бифуркация) борасида келгуси ижтимоий аҳвол ҳақида аниқ, олдиндан нима бўлишини айтиб беришнинг бу ерда имкони йўқ. Фақат эҳтимолик нуқтаи назаридан олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш)га ҳаракат қилиш мумкин (келажақдаги воқеа-ҳодисалар ривожининг мумкин бўлган кўринишлари, сценарийлари ҳақида умумлаштирувчи маълумот ва ана шу эҳтимолий сценарийларга берилган баҳо бўлиши мумкин)» [8; 112-129 б.]. Биз ижтимоий бўлиниш деб таржима қилган бифуркациянинг маъно-мазмунини соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, у кишилиқ жамияти ривожининг бир неча йўллари мавжудлигини билдиради. Жамиятни бу йўлларнинг қайси биридан кетишини аниқ билиш эса ўта мушкул иш. Аслида ҳам «Фаннинг тараққиёти, кейинги вазиятлар ҳар доим ҳам ўзидан аввалги ҳолатларни қатъий равишда такрорлаши мумкинлиги ҳақида аниқ гапириб бўлмасликни кўрсатди» [5; 85-86 б.]. Юқорида таъкидланганидек, келажақдаги ривожланишнинг мумкин бўлган кўринишлари, яъни сценарийлари ҳақидагина билишимиз мумкин. Соддароқ қилиб айтганда, келажақ бундай бўлиши

мумкин ёки ундай бўлиши мумкин, яна бошқача ҳам бўлиши мумкин деган мазмун касб этади. Энг муҳими, жамият маънавий ҳаётида келгусида рўй бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар ҳақида билишга ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга кўмак беради. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бу жиҳатлар жамиятлар, давлатларга, хусусан, Ўзбекистон тақдирига ҳам таалуқли ҳодисадир. Зеро, “Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда” [1;9 б.]. Ўйлаймизки, ана шунда келажагимиз албатта, буюк бўлади.

Албатта, ривожланиш бор экан, глобаллашув ҳам бўлади. Глобаллашув шароитида жамият ҳаётига нисбатан бўладиган хавф-хатарлар мавжудлиги сақланиб қолаверади. Глобаллашув бу шундай жараёнки, уни тўхтатиб туришнинг ёки уни четлаб ўтишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Тараққиёт бор экан глобаллашув бор ёки глобаллашувсиз тараққиёт бўлмайди. Албатта, шу пайтгача глобаллашув ҳақида кўп ва ҳўп ёзилган. У ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, илмий ишлар қилинган. Кўпчилик олимларимиз таъкидлаганларидек, глобаллашув муттасил давом этадиган жараён бўлиб, унинг миллатлар ва халқлар ҳаёти учун ижобий аҳамияти жуда катта:

- мамлакатлар орасида тез ва сифатли ахборот алмашинувини таъминланганлиги;
- фаннинг компютерлаштирилиши ва илғор техника ютуқларидан самарали фойдаланаётганлиги;
- ишлаб чиқаришда тараққий этган замонавий технологияларнинг қўлланилаётганлиги;
- илмий тадқиқот ишларида энг юксак техника, асбоб-ускуналардан ва илғор методлардан фойдаланилаётганлиги;
- олимларимизнинг, айниқса ёш тадқиқотчиларимизнинг жаҳон тилларини ўрганишга рағбатлантирилаётганлиги;
- мамлакатимиз олий ўқув юрларининг жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлиги ва биргаликда мутахассис-кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги;
- турли соҳаларда тажриба алмашинуви йўлга қўйилганлиги;
- таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилинаётганлиги кабилар шулар жумласидандир.

Бироқ, глобаллашувни фақатгина ижобий тушунча сифатида баҳолаб бўлмайди. Минг афсуски, глобаллашувнинг давлат ва жамият тараққиётини орқага тортувчи бир қатор салбий томонлари ҳам мавжуд. Хусусан, халқимиз онги ва тафаккурига бегона бўлган ахлоқсизлик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи оммавий маданият булар ичида зарарлисидир. Унинг салбий таъсирининг зиёни оқибатлари маънавият соҳасидаги ишларимиз ривожига соя солмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда маънавий ҳаётимизда рўй бераётган баъзи бир ўзгаришлар, муаммолар кўпларни ташвишга солмоқда. Гарчанд, маънавият соҳасида жуда кўп ишлар қилинган ва қилинаётган бўлса-да, улар етарли самара бера олмаяпти ва қуйидаги саволлар очиқлигича қолаётир: Нима учун бу ҳаракатларимиз кутилган натижани бермаяпти? Нима учун атрофимизда маънавияти паст, қашшоқ ва тубан кимсалар ҳали анчагина? Ўз халқига, ўз юртига қарши чиқиб, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаётганлар кимлар ва улар нима учун бундай қияптилар? Айниқса, юртимизда сўнгги вақтларда кўплаб кузатилаётган ачинарли ҳолатлар; вояга етмаган ўқувчи – ёшларимиз нега бир-бирларига турли даражада тан жароҳатлари етказмоқдалар ва ҳаттоки ўз тенгдошларининг умрларига зомин бўлмоқдалар?

Бу саволларга бир қарашда тўғри жавоб бериш мушкул. Фикримизча, бундай саволларга жавоб маънавият ва маърифат соҳаларига бориб тақалади.

Шу нарсани ёдда сақлашимиз керакки, халқимизнинг маънавиятини юксалтиришдан олдин биз аввало, одамларимизга маънавиятнинг ўзи нима, унинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоси нималардан иборат эканлигини тушунтиришимиз керак бўлади. Асли арабча сўздан келиб чиққан ва маънолар мажмуи деган мазмунни англатадиган маънавият тушунчасига битта эмас, балки бир нечта таърифларни келтириш мумкин. Шундай бўлиши табиий ҳол. Нега деганда, у ҳақиқатдан ҳам маънолар мажмуасини англатади. Яъни, бир қанча маънолар бирикмаси маънавият тушунчасида мужассам бўлади. Шу боис ҳам маънавиятга нисбатан берилган қуйидаги таърифларни келтириб ўтишни лозим топдик: “Инсоннинг ички ва ташқи оламини намоён этувчи мураккаб жараён ва ҳис-туйғулар йиғиндиси маънавиятдир” [21;27 б.]. “Маънавият – ижтимоий онгнинг нисбатан умумий (умуммиллий) аҳамият касб этган, эътиқод ва қадриятлар даражасига кўтарилган собит эҳтирослари, тушун-

чалари, меъёрлари, ижтимоий мўлжаллари, омиллари; уларнинг бадий, илмий, фалсафий, диний меросда, урф-одатларда объективлашган тизими ҳамда миллатнинг муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирилган миллий ирода, миллий ғурур ва ор-номусдир. У жамиятда қарор топган ва инсоннинг асл мавжудлигини таъминлайдиган ақлий ва ҳиссий, руҳий ва мафкуравий муҳитдир” [22;46 б.]. “Миллатларни, халқларни ким ёки нима бирлаштиради? Аниқ саволга аниқ жавоб шу: Маънавият” [7;14 б.]. “...Одамзотни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавият деб аталади!” [19;5 б.]. “Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули” [9;29 б.]. “Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамият, табиат, ўз турмуш тарзлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар” [17;5 б.]. “Маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, масъулият туйғуси), илмий, ижобий, амалий малакалар (меҳнат, ижодкорлик, истеъдод, қобилият), диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлигидир” [6;22 б.]. “Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлаштирувчи тушунча” [11;141 б.]. “Маънавият ғайримоддийдир, чунки у Аллоҳ инояти билан инсон қалбида зуҳур этади” [12;11 б.]. “Маънавият – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи” [16;114 б.]. “Маънавият – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими” [18;225 б.]. “Маънавият инсоний гўзалликдир” [20;6 б.]. “Маънавият – инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир” [15;9 б.]. Маънавиятга берилган таърифларнинг барчасида ҳам маънавият ўзига хос тарзда ифодаланган бўлиб, уларнинг биронтасини нотўғри деб ҳисоблаш ёки уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ноўрин. Такрор бўлсада шуни айтмоқчимизки, маънавиятга нисбатан юзлаб таърифларнинг бўлиши табиий ҳол.

Фикримизча, маънавият – бу ҳар бир инсонга хос бўлган хусусият бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ички руҳий кечинмаларидир. Маънавият – бу ҳар бир инсоннинг ички ҳис-туйғуси бойлигидир.

Шуни таъкидлаш керакки, инсонларнинг маънавияти турлича бўлади. Лекин, “Одамларни маънавиятли ва маънавиятсизларга ажратиш бўлмайди. Чунки одамзод пайдо бўлибдики, у ижтимоий тараққиёт жараёнида албатта, маънавиятли бўлиб шаклланади. Маънавиятсиз одам йўқ. Фақат маънавияти баркамол ёки тубан, бой ёки қашшоқ, юксак ёки паст бўлиши мумкин” [15; 76.]. Ҳар бир одамнинг маънавияти қандай даражада бўлиши эса, уларни ўраб турган муҳитга, ёки жамиятга ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг маънавий даражасини у яшаётган жамиятнинг маънавий ҳаёти маълум даражада белгилаб беради.

“Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳа билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутоласи ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим.

Аввало, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган” [3].

Таъкидлаш жоизки, қисқа муддат ичида мамлакатимизда китобга ва китобхонликка бўлган муносабат ижобий томонга қараб кескин ўзгарди. Мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг ахборот-ресурс марказлари янги адабиётлар билан бойитилаётганлиги, жойлардаги кутубхоналар ҳам замонавийлаштириб борилаётганлиги, туман, вилоят ва республика миқёсида китобхонлик тадбирлари, мусобақалари ўтказилаётганлиги каби хайрли ишлар шулар жумласидандир. Китобга, китобхонлик ва китобсеварликка бўлган эътибор жамият маънавий ҳаётининг юксалишини таъминлаб беради. Зеро, “Китоб бу – инсонлар онгига таъсир этиб, уни турли жиҳатдан ривожлантирадиган, ақл ва фаолиятини бойитадиган маънавий манбадир” [10; 51 б.].

Дарҳақиқат, маънавият ва маърифат ҳар қандай давлат тараққиётида жуда муҳим ўрин тутди. Халқининг маънавияти ва маърифати етук бўлган мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳам шунга яраша юксак бўлади. “Авваламбор, ён-атрофга очиқ кўз билан қараб хулоса чиқариш, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш, керак бўлса, ҳақиқатдан доим руҳланиб яшаш зарур. Ҳақиқатни қидириш ва ҳақиқатдан куч олиб яшаш керак. Фақат ўз

куч ва салоҳиятига таяниб, ўзлигини англаб, бошини баланд кўтариб яшайдиган халқни дунё аҳли ҳурмат қилади” [4; 257 б.].

Албатта, жамият жуда кенг тушунча, у бутун мамлакатни ўз ичига олади. Лекин, инсон ва жамият орасида яна бир қанча маънавий муҳитлар ёки маънавий алоқалар мавжуд бўлиб, улар ҳам кишиларнинг маънавияти юксалишида ўзига хос ўринга эга. Буларга аввало, оила, маҳалла, мактаб, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, турли хил ташкилотлар, корхоналар, идоралар киради. Бундай таркибий жамиятларнинг сони жуда кўп бўлиб, улардаги маънавий муҳит даражаси ҳам ранг-барангдир. Шундай экан, жамият маънавиятига берадиган баҳомиз нисбатан умумий тарзда берилган ҳисобланади. Бу фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, маънавиятни юксалтириш учун тор доирада эмас, балки кенг миқёсда ҳаракат қилиш керак.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Маънавият соҳасида олиб борилган изланишлар ва шу тадқиқотлар натижасида нашрдан чиққан китоблар, ўқув юртларида маънавият соатларининг ташкил этилиши каби хайрли ишлар шулар жумласидандир.

Бироқ, юқорида баён этилган мулоҳазалар зинҳор маънавият соҳасида ҳамма ишлар қилинган деган охириги хулосани келтириб чиқармаслиги керак.

“Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётида энг катта зиён етказадиган нарсаси бу – сохта ва ёлғон информация. Бу одамларни йўлдан уришнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чалғитиш, керак бўлса, оёғини ердан узиб, турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига қуйишда бу усул кенг қўлланмоқда” [4; 251 б.]. Бу каби хавф-хатарлар ҳақида шунчаки маълумотга эга бўлиш, уларга шунчаки баҳо бериш билан барқарорликни сақлаб бўлмайди. Хўш, унда қандай йўл тутмоқ керак?! Бу саволга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқини тўғри жавоб сифатида келтириш мумкин: “... Одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор қаратилиб, келгусида ушбу соҳани янада ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар белгилаб олинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонда “...Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” [2] белгилаб берилган.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқадики, маънавият соҳасидаги, тўғрироғи, жамият маънавий ҳаётидаги ҳодисаларнинг юз бериши фақат ва яна фақат инсонларнинг фаолиятларига боғлиқ экан. Яна бир мулоҳаза, назаримизда маънавий жиҳатдан юксак бўлган жамиятда нохуш ҳодисаларнинг рўй бериш эҳтимоли жуда паст бўлади. Негаки, бундай жамиятда яшовчи инсонларнинг аксари ятини маънавияти ҳам юксак бўлади. Маънавиятли киши эса нима яхшию, нима ёмонлигини аниқ билади. Маънавиятли киши ўз хатти-ҳаракатларининг тўғри ёки нотўғрилигини ҳам яхши англайди. Хуллас, маънавиятли инсоннинг адашиши, нохуш ҳодисаларга дучор бўлиш эҳтимоли жуда кам бўлади. Шу ўринда қадимги Хитой алломаси Конфуцийнинг: “Ҳар ким ўзининг феъл-атвори (ақл-идрокига) боғлиқ равишда адашади. Инсоннинг йўл қўйган хатолигига қараб яхши, инсонпарвар бўлганини билишингиз мумкин” [14;37 б.] деган гапи жуда мос келади. Конфуцийнинг фикрича ҳар ким ўз маънавий имкониятига кўра ҳаётда адашиши, яъни тасодифларга дучор бўлиши мумкин деган хулосани чиқаришимиз мумкин. Айтиш мумкинки, Конфуцийнинг мазкур мулоҳазаси тасодиф ҳодисасининг ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, инсон ҳаётида бўладиган адашишлар инсоннинг

хулқ-атворидан келиб чиқади. Соддароқ қилиб айтиладиган бўлсак, ҳар бир алоҳида олинган инсон ўз ҳаётида бўлиб ўтган ва бўлаётган тасодифларга ўзи сабабчи бўлади.

Фикримизни қуйидаги ҳаётий мисол орқали исботлашга ҳаракат қиламиз: фараз қилинг, тезликни соатига 50 км. соатдан ошириш мумкин бўлмаган ҳудудда автомобиль 80 км. соат тезликда кетаяпти ва у йўлни кесиб ўтаётган бир одамни уриб юборди. Албатта, бу ўринда тасодиф бор. Лекин, ана шу тасодифнинг юз беришида ҳам ҳайдовчининг, ҳам пиёданинг феъл-атвори, ақл-идроки сабаб бўлмадимикан?! Чунки ҳайдовчи ўша ҳудудда тезликни 50 км. соатдан ошириш мумкин эмаслигини билган, аммо, қизиққонлиги сабаб унга амал қилмаган. Пийёда ҳам катта тезликда келаётган автоуловни кўрган, аммо унинг ақл-идроки юқори тезликда келаётган автоуловдан эҳтиёт бўлиш лозимлигини тушуниб етмаган. Бунга ўхшаш ҳаётий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси қуйидаги хулосага олиб келади. Инсоннинг хулқ-атвори, ақл-идроки, фаҳму фаросати ёки маънавияти унинг ҳаётида тасодифларнинг содир бўлишида катта таъсир кўрсатади.

Биз ана шу фикримизга асосланиб қуйидаги хулосани чиқаришимиз мумкин: жамият маънавий ҳаётидаги тасодифлар ҳам ўз-ўзича содир бўлмайди. Бу тасодифларнинг барчаси, албатта, бирон сабаб ёки асос таъсири остида рўй беради. Биз ана шу сабаб ёки асосларнинг мазмун-моҳиятини билиб олиш билангина жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган тасодифларнинг кутилишини тахмин қилишимиз мумкин бўлади. Хўш, жамият маънавий ҳаётида қандай тасодифларнинг эҳтимоли мавжуд? Мисол тариқасида бир неча йил муқаддам, хатто яқин кунларда ҳам АҚШда содир бўлган воқеа – мактаб ўқувчиларининг ўз тенгдошларини, ўқитувчисини ва бошқа кимсаларни ўқ отар қуролдан фойдаланган ҳолда отиб ўлдирганлиги ҳолатини келтиришимиз мумкин. Айниқса, бу ҳолат биринчи маротаба юз берганда нафақат АҚШда, балки бутун дунёда шов-шувга айланиб кетди. Аммо, бундай ҳолатнинг бир эмас, бир неча бор такрорланиши эса кишиларни хушёр тортириб, уларни чуқурроқ фикр-мулоҳаза юритишга мажбур қилди. Гарчанд бу нохуш ҳодиса аввало, тасодифий ҳисобланса-да, жамиятнинг маънавий инқирозидан дарак берувчи бу тасодифларнинг юз беришида албатта, биронта асос, яъни сабаб

мавжуд. Бизнингча: биринчидан, АҚШда жангари кинофильмларнинг назоратсиз намоиш этилиши; иккинчидан, АҚШ фуқароларининг кўпига маълум тартиб-қоидага асосланган ҳолда бўлсада ўзида ва уйда қурол-яроғ сақлашга рухсат этилганидир.

Бизнинг назаримизда, ҳозирга қадар олиб берилган илмий тадқиқотларда, мақола ва китобларда маънавият кўпроқ педагогик ва психологик нуқтаи назардан чуқурроқ ўрганилган. Аммо, илмий тадқиқотларда маънавиятнинг фалсафий жиҳатларига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Аслида ҳам, маънавиятнинг методологик асоси фалсафа ҳисобланади. «Аввало, бу фан (маънавият асослари) ҳам фанлар методологиясига суянади. Фанларнинг методологияси (услугият тўғрисидаги маълумот) – бу фалсафа, аниқроғи диалектика» [21;39-40 б.]. Шуларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг бу мавзуга қўл уришдан мақсадимиз келажак авлодни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашдаги ютуқлар, муаммолар ҳамда ундаги зарурий ва тасодифий жараёнларни замон талабидан келиб чиққан ҳолда асослаб беришдир.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги муҳим хулосаларни чиқариш мумкин:

– маънавият нафақат инсонга тегишли ҳодиса, балки у бутун жамиятга тааллуқли бўлган ижтимоий ҳодиса ҳамдир;

– маънавият – бу ҳар бир инсонга хос бўлган хусусият бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ички руҳий кечинмаларидир;

– маънавият – бу ҳар бир инсоннинг ички ҳис-туйғусининг бойлигидир;

– маънавият – бу ўзимизга берилаган ҳаёт деб аталмиш неъматнинг қадрига етишимиз, уни сермазмун ўтказмоғимиз лозим демакдир;

– жамиятда юз берадиган барча ҳодисалар ўша жамиятнинг маънавий жиҳатдан ривожига боғлиқ бўлади ва жамиятда рўй берадиган нохуш ҳодисаларнинг илдизини ўша жамиятдаги жараёнлардан қидириш керак. Маънавий жиҳатдан юксак бўлган жамиятда нохуш ҳодисаларнинг рўй бериш эҳтимоли кам бўлади;

– маънавият категориясини илмий билиш натижасида ёшларни тасодифий адашишлардан сақлаш ва ёвуз ниятлар таъсир доирасидан асраш мумкин;

– инсоннинг хулқ-атвори, ақл-заковати ва фаҳм-фаросати унинг ҳаётида ҳодисаларнинг содир бўлишида катта таъсир кўрсатади. Демак, ҳар бир

инсон ўз ҳаётидаги ҳодисаларга ўзи сабабчи бўлади ёки ҳар ким ўз маънавий имкониятига кўра ҳаётдаги нохуш ҳодисаларга кўп ёки кам дучор бўлади;

– жамият ҳаётида ҳам тасодиф ҳодисасини кўриш мумкин. Тасодиф инсонларнинг фаолияти орқали жамиятга ўз таъсирини кўрсатади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. – T.: O'zbekiston, 2016.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmoni. Xalq so'zi. 2017 yil, 8-fevral.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida»gi farmoyishi. Xalq so'zi. 2017 yil, 13- yanvar.
4. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. Toshkent: O'zbekiston, 2015 yil.
5. Abdullaeva M. Problema adekvatnosti otrajeniya na empiricheskom i teoreticheskom urovnyax nauchnogo poznavaniya: Diss... dok. filos. nauk. – T.: AN RUz. 1984. – S. 85-86.
6. Abdullaev M. va boshqalar. Ma'naviyat. – Farg'ona: 1999.
7. Aliev A. Ma'naviyat, qadriyat va badiiyat. – T.: Akademiya, 2000.
8. Branskiy V.P. Teoreticheskie osnovaniya sotsial'noy sinergetiki // Voprosi filosofii. – Moskva, 2000. – №4. – S. 112-129.
9. Jalolov A. Mustaqillik mas'uliyati. – T.: O'zbekiston, 1996.
10. Ziyodulla Davronov. Barkamollikka da'vat maktublari. Toshkent: "Tamaddun", 2017.
11. Ibrohimov A. va boshqalar. Vatan tuyg'usi. – T.: O'zbekiston, 1996.
12. Imomnazarov M. Milliy ma'naviyatimiz nazariyasiga chizgilar. – T.: Sharq, 1998.

13. Ruzavin G.I. Neopredelennost', veroyatnost' i prognoz // Voprosi filosofii. – Moskva, 2005. – №7. – S. 68-78.
14. Konfutsiy: jizn', uchenie, misli, izrecheniya, aforizmi. – Minsk: Sovremennoe slovo, 2003.
15. Mahmudov T. Mustaqillik va ma'naviyat. – T.: Sharq, 2001.
16. Mustaqillik: izohli ilmiy-ommabop lug'at. – T.: Sharq, 1998.
17. Muloqot. – 1997. – №5.
18. Falsafa. Qomusiy lug'at. – T.: Sharq, 2004.
19. Hoshimov O'. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. – T.: Sharq, 2001.
20. Xo'jamurodov I., Sa'dullaev N. Ma'naviyat – insoniy go'zallikdir. – T.: Mehnat, 1998.
21. Sharifxo'jaev M., Davronov Z. Ma'naviyat asoslari. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2005.
22. Erkaev A. Ma'naviyat – millat nishoni. – T.: Ma'naviyat, 1997.

